O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 20 OKTABR ◆ SHANBA ◆ № 124 (26.826)

НАЙРАНГ

ЁКИ АЙРИМ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЁЛҒОН ХАБАРЛАР ТАРҚАТАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Иҷиқоралик ва ҳасадгўйлик шундай бир иллатки, ўзгалар қувончи, тинчлиги ундай номард ва худо урган кимсаларнинг ич-ичини кемиради, азоб беради. Қайсидир бир фильмда ҳасадгўй ва разил бир кишининг образи яхши акс эттирилади, яъники, қўшнисининг уйига ўт кетади. Олов кучайгандан-кучайиб, қўни-қўшнилар уйни ўчиришга ҳаракат қиладилар. Аммо қўшнилардан бири челак кўтариб сув ташиётган бир ўспиринни тўхтатиб: «Нега бунча жон куйдирмасанг, тегма, ундан кўра оловнинг ёнишини томоша қилсанг-чи, барибир, нариги қўшниларнинг уйи ҳам ёниб кетади, қўй, ўзингга зиён етмасин», дейди...

Худди шундай, баъзи бир кимсалар нафақат ўзгалар бошига тушган кулфат, оғир кунни томоша қилгиси, балки бундан бошқаларни ҳам ваҳимага солгиси келади.

Терроризмнинг миллати бўлмайди, дейдилар. Назаримда ҳасадгўйлик, ичиқоралик, бировга ёмонликни соғиниш ҳам ана шу террорнинг бир кўринишидир. Америкада юз берган қўпорувчиликлар ва бутун Афғонистонда кечаётган воқеалар гарчи бутун ер юзининг уйғоқ юракли халқларини ларзага солган бўлса-да, гарчи ҳозир бегуноҳ одамлар ҳаётига қутқу солувчи террорга қарши адолатли кураш кечаётган бўлса-да, ана шу воқеалардан ҳам ғаразли ниятларда фойдаланишга уринаётган, пашшадан фил ясаб, турли миш-мишлар-у найранглар тўқиётган айрим кучлар дунё ахборот майдонида ўзларининг ҳасадгўйликларини яшира олмаяптилар.

Шу йил 16 октябрь куни Россиянинг «ТВ-6» телеканалида навбатдаги найранг намойиш этилди. Эмишки, «Ўзбекистонга АҚШнинг ҳарбий самолётлари қўниб, Афғонистонга ҳужумлар уюштирмоқда».

Бундай ёлғон маълумот тарқатишдан манфаат не? Ахир АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучларининг қайси манзилдан Афғонистондаги террорчилар уясига ҳужум қилишаётгани ана шу давлатларнинг ўзида очиқ айтилмоқда-ку! Ахир, Ўзбекистонга фақат инсонпарварлик ёрдами сифатида жўнатилаётган юклар ортилган самолётлар қўнаётгани ва бундай самолётлар мутлақо ҳарбий қирувчи самолётлар эмаслигини бутун дунё кўриб, билиб турибди-ку!

«ТВ-6»нинг бу бўҳтон хабаридан кейин намойиш этган тасвири эса ҳаммасидан ошиб тушди: «Термиз шаҳридаги одамлар уруш ичида яшашмоқда. Ҳатто шаҳарнинг 8 март кўчаси, 80-уйига Афғонистон тарафдан снаряд тушди», дейиладди лавҳада. Тасвирда портлаётган уй, оҳ-воҳлар, кўкка ўрлаётган қора тутун намойиш этилди.

Биз хорижий телеканалда намойиш этилган лавҳадан кейин Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг матбуот котиби Рамазон Ашуров билан биргаликда, гарчи ҳаммаси бўҳтон эканлигини билсак-да, ўша Термиз шаҳридаги «снаряд тушди» деб айтилган 8 март кўчасидаги 80-уйни бориб кўрдик.

Бу уй Термизнинг эски шаҳарида, шундоқ Аму соҳилига яқинроқ жойда жойлашган бўлиб, уй бекаси рус миллатига мансуб аёл экан. Ўзини Галина Петровна Трутина деб таништирган бу аёл гап нимада эканлигини билгач, «Шу уйда олти киши 20 йилдирки яшаймиз. Бундай гаплардан бизнинг хабаримиз йўқ» дея ҳайрон қолди. Унинг қўшнилари ҳам бундай ёлғон хабардан ёқа ушлашди. «Бўҳтон ҳам эви билан-да», — дейди Галина Петровна таажжубда.

Шундан сўнг вилоят ҳокимлигининг матбуот котиби Рамазон Ашуров билан биз дунёнинг турли мамлакатларидан келган журналистлар, ёзувчилар билан суҳбатлашгани улар жойлашган Термиздаги меҳмонхонага бордик.

Улардан бири «1-Россия жамоатчилик телевидениеси»нинг махсус мухбири Эдуард Хайрулин бўлди.

— Очиғи, менинг баъзи бир ҳамкасб юртдошларим бу ердаги ҳақиқий аҳволни кўрмай туриб тарқатаётган хабарларига ўзимнинг ҳам ғашим келмоқда. Ундан кейин нафақат мен, мен билан ишлайдиган жуда кўп ҳамкасбларим «ТВ-6» каналини кўрмаймиз. Сабаби — кўпинча ёлғон, қуруқ шов-шувлар тарқатишади. Ёлғоннинг умри қисқа. Бундай ишларга қўл уришдан олдин оқибатини ўйлаш керак.

— Мен журналист сифатида Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидаги вазиятни ўз кўзим билан кўриб, бундай миш-мишлар ҳеч қандай асосга эга эмаслигига амин бўлдим, — дейди Россиянинг «ТВ-6» канали мухбири Иван Валюхин.

Мексикалик тележурналистлардан бири Адрана Валасис эса шундай деди:

— Мен Термизга келганимдан сўнг тасаввурларим бутунлай ўзгарди. Мен Афғонистонга чегара бу ҳудудни уруш ичидаги шаҳар, ниҳоятда қолоқ, шиферланмаган лойсувоқ уйлар, тор ва чанг тупроқли кўчалар, ҳатто транспорт қатнови йўқ бир жой деган тасаввурда эдим. Термиз жуда катта ва гўзал шаҳар экан. Ҳайратон кўпригига бориб чегараларингиз мустаҳкам қўриқланаётганини, энг муҳими халқингиз ниҳоятда хотиржам яшаётганини ўз кўзларим билан кўриб, тасаввурларим бутунлай ўзгарди. Чунки бу ерга келгунимча ҳар хил миш-мишлар бизгача етиб борган эди. Ҳозир эса юртингиздаги тинчлик, ободлик ва тўкинчиликни қандай бўлса шундайлигича мексикалик юртдошларимга етказмоқдаман. Улар ҳам аввал эшитган хабарлардан ҳайрон бўлишмоқда.

— Мен Ўзбекистон ҳақида китоб ёзаяпман, — дея суҳбатга қўшилади япониялик машҳур ёзувчи ва журналист Новинико Оччяй. — Бу китобимда Термиз ҳақида махсус боб бўлади. Шаҳарларингиз чиндан жаннат маскан экан. Мен ҳам япониялик юртдошларимга юртингиздаги тинчлик, арзончилик ҳақида гўзал лавҳалар ёзиб, уларни ҳақиқий Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қиламан.

Ҳа, юртимизга ташриф буюрган кўплаб хорижлик журналистлар мамлакатимиздаги ҳақиқий аҳвол билан танишиб, осойишта ҳаётимизни ўз кўзлари билан кўришаётганлигини эътироф этишмоқда.

Шундай экан, турли миш-мишларга ўғрилган найранглар билан дунёни чалғитиб бўлмайди.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШИШ ЛОЗИМ

Осойишталикка не етсин. Барча эллар тинчлик истайди, у инглизми, ўзбекми, қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар. Шунинг учун бутун дунёда тинчлик учун курашадилар, жон куйдирадилар. Мамлакатимизда олиб борилаётган шу маънодаги тадбирлар моҳиятини барчамиз англашимиз, ҳис қилишимиз зарур.

АҚШда уюштирилган воқеалардан вужудимизда титроқ кечди. Ўтаётган ҳар бир кунга шукрона айтсак арзийди. Бироқ бунинг ўзи камлик қилади. Огоҳлик ва ҳушёрлик керак. Буни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Хоҳ кундузи, хоҳ ярим тун, қанақа шароитда бўлмасин, биз ҳам йўлда кетаётган транспорт воситалари, йўловчилар олдидаги ҳушёрлигимизни йўқотмаслигимиз керак. Тилагимиз — шу муқаддас тупроқ ҳаққи, юртимиздаги тинчликни сақлайлик, унинг учун жон куйдирайлик.

■ **Даврон АБДУЖАЛИЛОВ,**
Равшан ОТАБЕКОВ,
«Сергели» маскани йўл-патруль хизмати ходимлари

АНДИЖОННИНГ ГУЛГУН ЧЕҲРАЛАРИ

Олтин кузнинг фараҳбахш кунларида Андижон вилоятига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова ташриф буюрди. Унинг ташрифи хотин-қизлар турмуш тарзи ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ кечди. Бош вазир ўринбосари Шаҳрихон туманидаги «АНТЕКС» ҳиссадорлик жамиятида хотин-қизлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Қишлоқдаги замонавий корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнларини кўрди. Кечагина далаларда меҳнат қилаётган навқирон қизларнинг компьютерлар ёрдамида улкан дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётганликлари эътиборли эканини эътироф этди.

Шунингдек, у Шаҳрихон туманида тадбиркор Одинахон Отахонова раҳбарлик қилаётган «Одина» хусусий фирмаси қошидаги «Эзгу» ўқув-ишлаб чиқариш марказининг очилишига бағишланган тадбирда иштирок этди. Дилбар Ғуломова хотин-қизлар ўртасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган семинарда ҳам қатнашди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ПРЕЗИДЕНТ ЖАСОРАТИ УЧУН ТАҚДИРЛАНДИ

МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг «Евроосиё телефоруми» тўртинчи телевизион фестивали Москвадаги «Космос» меҳмонхонаси концерт залида ижодий танловнинг ғолибларини мукофотлашга бағишланган тантанали маросимдан сўнг ўз ишини якунлади.

Бироқ, ташкилий қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг махсус мукофот билан тақдирланиши телефестивалдаги энг муҳим ва ёрқин воқеа бўлди. Мукофотга қуйидаги сўзлар илова қилинган: «Оммавий ахборот воситалари орқали XXI асрнинг янги хавф ва таҳдидларига, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддалар тарқалиши хавфига қарши кураш ғояларини фаол тарғиб қилаётгани, яхшилик ва инсонпарварлик ғояларига ҳормай-толмай хизмат қилаётгани учун».

Россиянинг етакчи телекомпанияларидан бири «ТВ Центр» президенти Олег Попцов маросимда сўзга чиқиб, шундай деди:

— Ўйлашимча, дунё қандай даврни бошидан кечираётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Яқиндагина Америка Қўшма Штатларида қандай фожиа рўй берганини биламиз. Москвада ва Россиянинг бошқа шаҳарларида нималар юз бераётганидан хабардормиз. Террорчилик муаммоси бутун жаҳонга таҳдид солаётганини кўриб турибмиз. Аммо террорчиликка қарши кураш нақадар мураккаб эканлигини доим ҳам англаб етавермаймиз. Мамлакат раҳбари бу дунёвий офатга қарши бир ёки икки-уч бора эмас, қайта ва қайта қатъий фикр билдирар экан, бу — дунёдаги бедор бир фуқаронинг катта жасорати, бу — дунёдаги бир йўлбошчининг улкан шижоатидир. Бугун биз бу жасоратни тақдирлаш имконига эга эканлигимиздан хурсандман. Президент Ислом Каримов бунга ҳар жиҳатдан муносиб...

Жорий йилнинг 10 октябрида «Россия» давлат телеканалида РТРнинг сиёсий шарҳловчиси Алексей Денисовнинг «Собиқлар иттифоқи» номли ҳужжатли фильмлар туркумининг биринчи қисми намойиш этилиши яна бир қизиқарли премьера бўлди. Сериал МДҲнинг 10 йиллигига бағишланган. Шундай бўлса-да, ушбу лойиҳани бошлаб берувчи, унинг умумий йўналишини белгилаб берувчи мазкур фильм бизнинг мамлакатимиз ҳақида. Бу бежиз эмас. Фильмда Президент Ислом Каримов миллионлаб телетомошабинларга яна бир бор мурожаат қилди.

— Ўзбекистон, мана, ўн йилдирки, суверен, мустақил давлат. Биз бу ерда амалга оширилган улкан ўзгаришлар гувоҳи бўлдик, — дейди Алексей Денисов. — Интернетга уланган компьютерлар мавжуд бўлган янги ажойиб коллежлар ва замонавий мактабларда компьютер дастурлари асосида таълим олаётган ёшларни ва уларга сабоқ бераётган замонавий, билимдон ўқитувчилар билан мулоқотда бўлдик. Кўркам янги бинолар, кенг ва равон йўлларни кўрдик... Энг муҳими — биз одамларда янгича яшашга интилиш ва истак ниҳоятда кучли эканига амин бўлдик.

Совет даврида Ўзбекистонни улкан империянинг хомашё манбаларидан бирига айлантириб, уни беаёв талон-торож қилишган. Бугунги кунда эса бу юртда буюк миллий маданиятини тиклаётган орияти юксак кишиларни кўрдик. Хусусан, Тошкент ва Самарқандда Амир Темур шарафига барпо этилган ажойиб ёдгорликлар бизни лол қолдирди. Ўзбекистон халқига чин юракдан фаровонлик ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз. Бундай халқ буюк келажакка муносибдир!

Фестиваль мукофотларига сазовор бўлган асарлар орасида таниқли ўзбек актёри Рустам Саъдуллаевнинг режиссёр сифатидаги илк иши — «Гумроҳлар» 10 серияли телевизион фильми ҳамда «Ўзбектелефильм» ижодкорларининг «Интеграция қирралари» ҳужжатли фильми ҳам бор. «Бадиий телефильм» йўналишида ғолиб бўлган Россиянинг «Меросхўрлар» фильми ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Бу асар таниқли ўзбек кинорежиссёри Элёр Ишмухаммедов томонидан Москвада суратга олинган.

IV телефестивалнинг асосий воқеаларидан яна бири Россия — Ўзбекистон қўшма кинолойиҳаси — «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» илмий-публицистик фильмининг тақдимоти бўлди. Фильм сценарийси профессор Л.Левитиннинг шу йил Москвадаги «Вагриус» нашриётида чоп этилган ушбу номдаги китоби асосида ёзилган. Телефестиваль қатнашчиларига тақдим этилган «Башорат қилиш изтироби» деб аталган 7 дақиқалик парча дастлабки лойиҳанинг бир неча асосий йўналишларини белгилаб берди. Экстремизм илдизлари, халқаро террорчиликка қарши кураш усуллари тўғрисидаги ўйлар мазкур лойиҳанинг асосий мавзуларидан бири бўлади. Фильмнинг тўртта сериясида Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини акс эттириш асосий вазифа ҳисобланади. Бу фильм ҳозирги ўзбек жамиятининг очиқлиги, унинг ҳар қандай муаммолар бўйича тенг ҳуқуқли мулоқот олиб боришга қодирлигини тасдиқлайди.

АНЖУМАН

ЯНГИ ҚОНУНЛАР ЧУҚУР ЎРГАНИЛЯПТИ

Марказий банк ходимлари Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган қонунларни чуқур ўрганишга киришдилар.

Туркум амалий семинарларнинг биринчиси «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонунларни ўрганишга бағишланди. Унда Давлат мулк қўмитаси, тижорат банклари, қимматли қоғозлар бозори инвестиция институтлари ва марказий депозитарийси, Валюта биржаси раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этди.

Маърузачилар қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш мақсадида бу бозордаги чекловлар, эмитентлар ва инвестиция институтларининг инвесторларга ахборот тақдим этишга доир мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, қимматли қоғозлар билан тузиладиган битимлар ҳамда инвесторлар маблағларининг ҳисобини юритиш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва мажбуриятлари, улар ўртасидаги низоларни ҳал этиш масалаларига батафсил тўхталдилар. Шунингдек, мамлакатимизда депозитарий тизими, депозитарий хизмати кўрсатувчиларни лицензиялаш, қимматли қоғозларнинг депозитарий тизимидаги ҳаракати, депозитарийлар, депонентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тушунтиришлар беришди.

Таъкидландики, мазкур қонунлар мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, тижорат банклари эса бу бозорнинг фаол иштирокчиларига айланишини таъминлайди.

■ **Ўз мухбиримиз**

САХОВАТЛИ ҚУЗ



■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

ХРОНИКА

ҲАРАКАТЛАР КЕСКИНЛАШЯПТИ

Европанинг бир қатор нашрларида Афғонистонга АҚШ пиёда қўшинлари киритилгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлди. Бу эса ҳарбий ҳаракатларда янги босқич бошланаётганидан дарак беради. Хусусан, «Вашингтон пост» газетаси бераётган хабарга кўра: «Мамлакат ҳудудига (Афғонистонга) ҳарбийлардан иборат кичик бир гуруҳ киритилган. Албатта, бу гуруҳни Форс кўрфазидаги урушда бўлгани каби улкан ҳарбий контингентга қиёслаб бўлмайди». Яна шу газета бераётган маълумотларга кўра, ушбу ҳарбий гуруҳ тез орада қўшимча кучлар билан тўлдирилади. АҚШ ҳарбийлари қаторидан Британия махсус гуруҳ қўшинлари ҳам жой олиши мумкин.

Маълумки, кейинги пайтда террорчиларнинг янги бир хуружи, хусусан, конверт орқали юқумли бактериологик касаллик тарқатиш таҳдиди кузатилди. Бу таҳдид конгрессменларга ва АҚШнинг бир қатор оммавий ахборот воситаларига қаратилган эди. Бундан ташқари, беҳуда қурбонларга чек қўйиш умиди ҳам террорчилар томонидан инобатга олинмаслиги аниқ бўлиб қолди.

Ушбу тафсилотларнинг барчаси АҚШдан ниҳоят кескин ҳаракатларни бошлаш лозимлигини талаб қилаётган бўлса ажаб эмас. АҚШ ҳарбий пиёдалари асосан бомбардимон қилинган ҳудудларга ташланган. Пиёдалар разведка ва ҳаво зарбалари учун янги координатлар топиш билан шуғулланишса-да, уларнинг толиблар билан тўғридан-тўғри жангга киришлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳозир Осиё-Тинч океани иқтисодий форумида иштирок этиш учун Хитойга келган Жорж Буш бу ердаги матбуот анжуманида воқеаларга муносабатини қуйидагича ифодалади: «Мен ҳарбий операциялар боришини изоҳламоқчи эмасман. Биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун бутун имкониятларимизни ишга соламиз».

Пайшанба куни АҚШ Мудофаа вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида эса Дональд Рамсфелд биргина ҳаво зарбаларини бериш билан «Ал-Қоида» гуруҳини яксон қилиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтганди.

Афғонистондаги сўнгги ҳарбий ҳаракатларга назар солсак, бироз тинчланиш кузатилаётганига гувоҳ бўламиз. Чунки, маълумотларга кўра, мухолифатдаги Шимолий иттифоқ ҳам ҳозирда катта жанг ҳозирлигини кўришаяпти. Ҳозир кўпроқ ташвиқот уруши кучайтирилган. Шимолий иттифоқ толиблар ичидан янги тарафдорлар топиш ҳаракатига урғу бераяпти. Ва бу ҳаракат кўп ҳолларда мақсадли, яъни толиблар томонидан Шимолий иттифоқ таркибига ўтаётган жангчилар билан якун топмоқда. АҚШ ҳарбий ҳаво зарбалари якунлангач, Шимолий иттифоқнинг кенг миқёсли ҳужуми бошланиши мумкин.

Балх яқинидаги Мозори Шариф шаҳри томон ҳаракатланаётган кучлар, айниқса, ашаддий жангларни ўтказишмоқда. Бу ерда толиблар билан юзма-юз келиш эҳтимоли тобора барқарорлашаяпти. Бироқ шаҳарда толибларнинг нисбатан замонавий қуролланган 2,5 мингга яқин қўшини турибди.

Ҳозирча АҚШ пиёда қўшинлари гуруҳининг мухолифат кучлари билан алоқада бўлганлиги ёки ҳарбий ҳамкорлик тактикасини қўллаётгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бироқ «Вашингтон пост»нинг ёзишича, ушбу ҳарбий гуруҳ сафи кучайтирилиши тасдиқланадиган бўлса, тез орада ҳарбий ҳаракатларда сезиларли ўзгаришлар бўлади.

Internet хабарлари асосида тайёрланди

BU DUNYONING ISHLARI

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

АҚШдаги теракт қурбонларига ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган хайрия жамғармалари миллиард долларга яқин маблағ йиғишди. Ҳозирча хайрия жамғармасига тушаётган маблағлар миқдори камайган бўлса-да, моддий ёрдам тушишда давом этмоқда. Хайрия жамғармалари ўртасида эса 452 миллион тўплаган «Қизил хоч» халқаро ташкилоти етакчилик қилмоқда.

ҲАРБИЙ БАЗАЛАРНИ ТАРК ЭТИШАДИ

Россия Вьетнамда ва Кубада жойлашган ҳарбий базаларидан ўз қўшинларини чиқаришга қарор қилди. Россия матбуотининг ёзишича, ушбу қарор кўпроқ иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ. Хусусан, Кубада жойлашган ва асосан АҚШ ҳудудида космик айғоқчилик ишларини амалга оширадиган Лурдес ҳарбий база ижарасининг ўзи Россияга йилига 200 миллион долларга тушар экан. Камрандаги ҳарбий база 1979 йилда Ханой битимига мувофиқ собиқ иттифоққа 25 йил муддатга бепул фойдаланишга берилган эди.

ИҚТИСОДИЙ ФОРУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шанхайда Осиё-Тинч океани халқаро иқтисодий форуми давом этмоқда. Унда ушбу иқтисодий ташкилотга аъзо 20 дан ортиқ мамлакатларнинг раҳбарлари қатнашаяпти. Иқтисодий форумда халқаро терроризмнинг дунё иқтисодиётига таъсири ҳам муҳокама қилинади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУКАММАЛЛИКДИР

Жаҳондаги ривожланган илғор давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш давлатнинг иқтисодий пойдеворини яратувчи, унинг молиявий фаолиятини ҳаракатлантирувчи моддий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Қимматли қоғозларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни шу билан белгиланадики, улар харажатлар ва даромадлар ўртасидаги мувозанатни барқарорлаштириб, тартибга солиб турувчи восита ролини ўйнайди.

Қимматли қоғозлар бозорининг талаб даражасида такомиллаштирилиши республикамиз миллий иқтисодиётининг молиявий жараёнларини вужудга келтиришга ҳамда жамиятимизда ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланишини тезлаштиришга ёрдам беради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш учун нима ишлар қилиш зарур, деган табиий бир савол туғилади. Бунинг учун энг аввало ишни қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ташкил қилиш ва унинг ишини йўлга қўйишдан бошлаш лозим. Буни мақсадга мувофиқ ҳал қилиш учун давлатимизнинг шунга ваколатли бўлган идоралари раҳбарларининг бугунги кунда қимматли қоғозлар бозори ва умуман бозор инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги шахсий масъуллигини ошириш талаб қилинади. Акс ҳолда бу монопол тузилмаларни тарқатиб юбориш йўлида кўплаб жиддий тўсиқларнинг пайдо бўлишига, бошқарувнинг ҳамда моддий ресурслар ва молиявий маблағларни тақсимлашнинг марказлашган тизимининг сақланиб қолишига олиб келади. Бу ҳолат ўз ўрнида давлат корхоналарини акциялаштириш жараёнининг асоссиз равишда чўзилиб кетишига шарт-шароит яратиб беради.

Иккинчидан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ишларни жонлантириш учун республикамиз аҳолисининг пул маблағларини бир жойга жамловчи, акцияларнинг барқарор даромад беришини таъминловчи инвестиция жамғармаларининг тармоқларини ташкил этиш ва уларнинг мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлашга эришиш лозим.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг манфаатдорлигини ошириш, фонд бозоридаги молиявий операцияларни фаоллаштириш мақсадида 1995 йилнинг 1 июль кунидан бошлаб мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг дивидендлар ҳолида қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги тафовутдан олинган даромадлари уч йил муддатгача солиққа тортилишдан озод қилинган. Шу йилнинг 1 сентябрь кунидан бошлаб қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасини тузиш чоғида битим қатнашчиларидан олинадиган қимматли қоғозлар операцияси солиғи бекор қилинган. Шунингдек, қимматли қоғозлар эмиссиясининг проспектини рўйхатдан ўтказиш чоғида эмитентдан олинадиган қимматли қоғозлар операцияси солиғининг ставкаси эмиссия ўз қийматининг 0,5 фоизидан 0,1 фоизигача камайтирилди.

Қимматли қоғозлар бозорининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унинг фаол иштирокчиси ҳисобланмиш инвесторларнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Чунки инвестор фонд бозорининг алоҳида иштирокчиси ҳисобланади.

Иқтисодий мувозанатнинг уйғунлиги ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши маълум жиҳатдан инвесторнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада кафолатланганлигига ҳам боғлиқдир. Агар инвестор молиявий маблағларнинг йўқотилиши сингари ҳолатларга дуч келса, бундай ҳолларда бозорга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида умумий фонд бозори ва айни пайтда иқтисодиётнинг маълум даражада издан чиқишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар бозорининг муваффақиятли ишлашини таъминлаш учун бозор тузилмаларида ўзаро муносабатларнинг яхлит ишончли механизмларини вужудга келтириш ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини қонун йўли билан ҳимоя қилишга эришиш лозим.

Эндиги вазифа қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвесторларнинг иштирок қилишини рағбатлантириш учун хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси эмитентларининг қимматли қоғозларини сотиб олишга қўйилган маблағларни ва улар бўйича олинган даромадларини конвертациялашга, кейинчалик амалдаги қонунчиликка мувофиқ репатриация қилишга бўлган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши устидан самарали назоратни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ўзбекистон эмитентларининкини эса чет мамлакатларга киритилиши, уларни рўйхатдан ўтказиш ва жойлаштириш тартибини бугунги қонунчиликдаги мавжуд ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳамда жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарур.

■ **Эргаш САЙИТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси

ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қарорига асосан жорий йилнинг август ойидан ташкил этилиб иш бошлаган «Юнусобод савдо мажмуаси» очиқ ҳиссадорлик жамияти бугунги кунда харидорлар билан гавжум. Савдо тадбиркорлари билан ижара шартномаси асосида фаолият олиб бораётган мажмуада кундан-кунга мижозлар сони ортиб бормоқда. Мажмуа қошида ошхона, сартарошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, жамғарма банк шаҳобчалари мунтазам фаолият юритмоқда. Шунингдек, бу ердан шаҳарнинг турли йўналишларига 5 та йўналиш бўйича транспорт қатнови ҳам йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, шаҳримиз аҳолиси мажмуанинг очилиши муносабати билан яна бир қанча қулайликларга эга бўлди. 300 ўринли майда шаҳобчаларни янада кенгайтириш халқимиз учун қулай шароит яратиб, маҳсулотларимизни янада арзон нархда сотиш ва бу борада мижозларимизнинг ишончига сазовор бўлиш асосий мақсадимиз, — дейди мажмуа раиси Пўлат Айдаров.

■ **Сулаймон ҲАЙДАР**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси, Олий Мажлис депутати Сайёра Рашидова Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида кўриб чиқилган масалалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида дунёда ва минтақамизда вужудга келган кескин вазият муносабати билан Баёнотида кўтарилган масалаларга бағишлаб, Зомин туманидаги «Ғолиб», «Ғалаба» хўжаликларида ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказди. Унда иштирок этган Жиззах вилоят хотин-қизлар кенгашининг раиси, вилоят ҳокими ўринбосари С. Тўйчиева, Зомин тумани хотин-қизлар кенгаши раиси, туман ҳокимининг ўринбосари М. Эшонова, ХДП Зомин туман кенгаши биринчи котиби О. Алламуродовлар ўз сўзларида халқаро терроризм ҳаракатларини кескин қораладилар ва бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашда ҳеч ким четда қолмаслиги тўғрисида сўз юритдилар.

Ҳар иккала йиғилишда, мазкур хўжаликларнинг ишчи-хизматчилари билан биргаликда, пахта теримида қатнашаётган ҳашарчилар, тумандаги ташкилот ва корхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, ҳамкорликда, партия ҳамда маҳалла фаоллари йиғилишини ўтказдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг, халқаро терроризмга биргаликда қарши курашни ташкил этишга қаратилган, сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Р. Ботиров, вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Р. Нарзиева, партия фаоллари У.Мусаев, Ғ.Қодиров, Т.Одилов, М.Махатов, З.Туропова, Б.Аҳроров сўзга чиқдилар.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг, «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг халқаро терроризмга биргаликда қарши курашни ташкил этишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлари» ҳақида»ги, қарори асосида, вилоят партия кенгаши ҳузурида, махсус тарғибот гуруҳини тузди. Унинг аъзолари ХДП туман кенгашларининг ходимлари билан биргаликда пахта далаларида, меҳнат жамоаларида «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида очиқ партия йиғилишлари, «давра суҳбатлари», мулоқотлар уюштирмоқдалар. Олот туманидаги «Олот» ижара хўжалиги, Ф. Хўжаев номли ширкат хўжалиги, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, «Шохруд» ҳиссадорлик жамиятида ўтган йиғилишлар шулар жумласидандир.

✧ ✧ ✧

ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзолари вилоят электр тармоқлари бирлашмаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Сирдарё «Телеком», «Гулистонёғ» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотларида «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида ўтказилган очиқ партия йиғилишларида сўзга чиқиб, дунё воқеалари, Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлаяжакларини билдирдилар.

✧ ✧ ✧

Партия Навоий шаҳар кенгаши, шаҳардаги 8-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида, «Тинчлик учун курашда дунё билан биргамиз» мавзуида «давра суҳбати»ни ташкил этди.

✧ ✧ ✧

Нукус қурилиш коллежи бошланғич партия ташкилотида ўтган очиқ партия йиғилиши ҳам ушбу мавзуга бағишланди.

✧ ✧ ✧

ХДП Янгиер шаҳар кенгаши, туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими билан ҳамкорликда Ш. Рашидов номли маҳаллада шу куннинг долзарб масалалари — терроризм, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш масалаларига бағишланган учрашув ўтказди.

✧ ✧ ✧

ХДП Қўқон шаҳар кенгашининг тарғибот гуруҳи аъзолари, Қўқон тиббиёт коллежи жамоаси, «Қўқон ёғ-мой» ва «Қўқоннон» ҳиссадорлик жамиятлари ишчи ва хизматчилари иштирокида ўтган мулоқотларда Афғонистондаги воқеалар, аксилтеррор ҳаракати мазмун-моҳияти ва буларга Ўзбекистон Республикасининг муносабати тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бордилар.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман кенгаши ўтказган фаоллар йиғилишида 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Баёноти, Ютрбошимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатида билдирилган фикрлар, йиғилишда қатнашган барча бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари томонидан, қўллаб-қувватланди.

✧ ✧ ✧

ХДП Тўрткўл туман кенгаши, Текстил фабрикаси бошланғич партия ташкилоти негизида, «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида йиғилиш ўтказди.

✧ ✧ ✧

ХДП Ўзбекистон туман кенгашида Республика Президенти И.А.Каримовнинг Баёноти ҳамда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатида илгари сурилган нуқтаи назар, фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаш, белгиланган вазифаларни адо этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, халқ таълими ходимлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, партия фаоллари иштирок этдилар.

✧ ✧ ✧

Партия Ғаллаорол туман кенгаши, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда, «Терроризмнинг таянчи нима?» мавзуида мулоқот ўтказди. Тумандаги барча жамоат ташкилотлари иштирокида терроризмга қарши кураш масалалари бўйича тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

✧ ✧ ✧

Марҳамат туманидаги Гидромелиорация ва сув хўжалиги коллежи, Ип йигирув-тўқув фабрикаси, «Пахтакор», Н.Тожибоев ҳамда Т.Мирзаев номли ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган очиқ партия йиғилишлари қатнашчилари, терроризм иллатларини таг-томири билан кўпориб ташланиши тарафдори эканлигини билдирдилар ҳамда барча Ўзбекистон фуқароларини Юртбошимиз атрофида жипслашиш, душманларга қарши биргаликда курашишга чақирдилар.

✧ ✧ ✧

ХДП Косонсой туман кенгаши меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида, «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш — доимий ишимиз» мавзуида мунтазам равишда учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқда. «Истиқлол» фермер хўжалиги дала шийпонида уюштирилган шундай суҳбат ҳам жаҳонда кечаётган воқеаларга қаратилди.

✧ ✧ ✧

Уйчи туман марказий шифохонаси, туман давлат солиқ бошқармаси ва «Унҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида, «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида, очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгашининг биринчи котиби С. Ғайбуллаев, халқ депутатлари Уйчи туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар И.Қўзибоев, Ҳ.Тўхтамирзаевлар давлатимизнинг, дунё халқларининг тинчлигига хавф солаётган халқаро терроризмга қарши курашишга оид сиёсати ва амалий ҳаракати кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини таъкидладилар.

✧ ✧ ✧

Чуст туманидаги 57-автокорхонада бўлиб ўтган очиқ партия йиғилиши «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуига бағишланди. 107 нафар партия аъзолари иштирок этган мажлисда ХДП Чуст туман партия кенгаши тарғибот гуруҳи аъзоларининг савол-жавоблардаги иштироки тадбирнинг мазмундорлигини оширди.

✧ ✧ ✧

ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши томонидан туман электр тармоқлари корхонасида ўтказилган «давра суҳбати»да терроризм ва диний экстремизм таҳдидларига қарши дунё ҳамжамиятининг жипслашган ҳолда курашиши зарурлиги маъқулланди.

✧ ✧ ✧

ХДП Сирдарё тумани кенгаши, «Ҳақиқат» ширкатлар уюшмасида, «Бахтимиз — Ватанимизда, Ватан — юрагимизда» мавзуида, «давра суҳбати» ташкил этди. Бригада бошлиғи — партиядошимиз Н.Йўлдошева Афғонистондаги воқеалар, минтақадаги вазият, Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш жараёнидаги позициясига кенг тўхталиб, фуқароларни огоҳликка чақирди.

✧ ✧ ✧

ХДП Ҳамза туман кенгаши, Зебо Шамсутдинова номли маҳалла ёшлари ўртасида «Терроризм, гиёҳвандлик ва ёшлар муаммолари» мавзуида мулоқот ўтказди. Туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими ва тиббиёт ходимлари иштирокида ўтган йиғилишда ёшлар, уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

✧ ✧ ✧

Бектемир туманидаги 580, 579-болалар боғчалари, мусиқа мактаби, туман маданият бўлими, «Мотор заводи» акциядорлик бирлашмаси бошланғич партия ташкилотларида «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтди.

✧ ✧ ✧

Қамаши туманидаги «Қорабоғ» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, Й.Охунбобоев ширкат хўжалиги, Деҳқонобод туманидаги Ибн Сино, Данғара туманидаги Найманча ширкат хўжаликлари партия ташкилотларининг ҳам мазкур мавзуга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

■ **Ўзбекистон ХДП матбуот хизмати**

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ИЗЛАНИШГА ЯРАША РАҒБАТ

Тошкент давлат авиация институтининг «Олий математика ва информатика» кафедраси ташкил этилганига бу йил 25 йил тўлди. Кафедра 1976 йилда Тошкент давлат политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг самолётсозлик факультети тасарруфида ташкил қилинган. Дастлабки йиллар бу ерда «Олий математика», «Ҳисоблаш техникаси ва программалаштириш», «Оптимизация назарияси ва математик программалаштириш», «Муҳандислик масалаларини ЭҲМда сонли ечиш усуллари» фанлари ўқитилган.

Вақт ўтиб боргани сайин имкониятлар кенгайиб, жамоа олдида янги илм уфқлари очила борди. 1977 йилда кафедра қошида «Амалий математика ва механика» мавзуида илмий семинар ташкил қилинди. Таъкидлаш керакки, анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур семинар республикамиз айни фан йўналишининг ривожида асосий омил вазифасини бажариб келмоқда. Кейинчалик кафедрада давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда хўжалик шартномалари асосида илмий ишлар олиб бориш йўлга қўйилди. Москвадаги марказий машинасозлик илмий текшириш институтининг академик Х. Рахматуллин раҳбарлигидаги лабораторияси билан ҳамкорлик бу борада катта илмий самара келтирди.

Кафедра илмий ишлари қўлами кенгая бориб олий таълимнинг долзарб муаммолари қамраб олинди. Жамоанинг саъй-ҳаракати билан «Оптимизация назарияси ва математик программалаштириш» номли ўқув қўлланма нашр этилди. Мазкур қўлланма ҳозирда техника олий ўқув юртларида асосий дарслик вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйига кафедра жамоаси ўзига хос тўёна тайёрлади — «Фан» нашриётида биринчи бор магистрлар учун мўлжалланган «Учиш аппаратлари конструкцияларининг ирсий деформацияланувчи элементларининг тебраниши» номли дарслик кўп нусхада чоп этилди. Бу каби дарслик ва қўлланма (кафедрада айни кунгача 600 дан зиёд илмий мақолалар, кўплаб монография ва ўқув-услубий рисолалар чоп этилган)лар замонавий фан ютуқларини таълим жараёнларига тезкор татбиқ этиш ва ўқитишни таъсирчан ифода усуллари асосида ташкил қилишга хизмат қилаётгани, шубҳасиз.

Кафедрада республикамизда биринчилардан бўлиб ўқув жараёнини компьютерлаштириш ишлари бошланди. 1993 йилда етакчи дастурчи-ўқитувчилар томонидан «Олий математика» ва бошқа фанлар бўйича оралиқ ҳамда якуний тест синовини ўтказадиган дастур тизими таълим соҳасида илк маротаба ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда Давлат тест маркази фаолиятида фойдаланилаётган дастур ҳам ана шу тизим асосида тузилган.

Катта машаққатлар эвазига қилинган меҳнат ҳеч замон беиз кетмаган. Кейинги ўн йилда кафедрада 3 та фан доктори, 8 та фан номзоди тайёрланди. Самарали илмий изланишлари учун кафедра мудири, профессор Фахриддин Бадалов Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Кафедра ташкил этилганидан то бугунгача (25 йил) раҳбарлик қилиб келаётган тиниб-тинчимас фан фидойиси Ф. Бадалов Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат авиация институтида хизмат кўрсатган профессор унвонлари соҳиби ҳамдир. Мазкур олимга жаҳондаги энг йирик авиакомпаниялардан бири — «Боинг» авиакомпанияси авиацияда учрайдиган «флаттер ҳолати» муаммосини ҳал қилиб бериш учун буюртма бергани ва ҳозиргача бу борада талай муваффақиятлар қўлга киритилгани ҳам юртимиз илм-фанининг катта ютуғидир. Кафедранинг яна бир ходими, доцент Ғ.Шодмонов «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Фидойи жамоа ўзининг 25 йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган айни кунларда ҳам республикамиз илм-фани ва таълими ривожига хизмат қилишдек шарафли вазифадан бир лаҳза бўлсин тингани йўқ.

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



Чуст туман босмахонаси Наманган вилоятидаги пешқадам, иқтисодий бақувват, ривожланган корхоналардан бирига айланган. Бу ерда 4 та туман, 2 та вилоят газеталари ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар чиқарилмоқда. Муҳр ва визиткалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Корхонада соф фойда 4,5 миллион сўмга етди.

Суратларда:

1. Корхона директори Шукуржон Тошхўжаев.
2. Корхона ходимаси Мархабо Йўлдошева янги маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

ЖАҲОН БОЗОРИБОП МАҲСУЛОТЛАР

Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси республика кимё саноатида муҳим аҳамият касб этади. Корхона айни кезда 250 дан зиёд у ёки бу турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бўлса, ана шу маҳсулотларнинг 5 тури экспорт — хорижбоп маҳсулотлардир. Жаҳон бозорибоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан «Азот» бирлашмаси дунёвий эътиборда. Навоийлик кимёгарлар ўтган йили жами 25 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришиб, 23 фоиз ўсишга эришган бўлишса, бу йил жами 30 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашиб, чет элларга хомашё чиқаришни 2 бараварга кўпайтирмоқчи. Бу ўринда олтин қазиб олиш ва электргаз саноати учун зарур бўлган «Аргон», «Унифлон», «Полианрмамед», «Метонол», «Фармален» ҳамда уксус кислотаси ва «Асит-Алдегит» маҳсулотлари Финляндия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонга кўплаб жўнатилаяпти. Биргина уксус кислотасининг ўзи Финляндия, Россия, Венгрияга ойига 400 тоннагача юборияпти.

Бирлашма кимёгарлари валютабоп янги маҳсулотлар қаторига яна бир қимматли саноат хомашёси — тиомочивинани ҳам қўшишди. Тоғ-кон металлургияси учун сув билан ҳаводек зарур бўлган бу хомашё ҳозиргача бирлашмага Хитой ва Россиядан келтириларди. Энди бўлса у ўзимизда кунига 2-2,5 тоннадан ошириб ишлаб чиқарилмоқда. Келаси йилдан бошлаб бу тур кимё хомашёси ҳам «Аргон», «Ацетон», «Метонол» каби четга чиқарила бошлайди. Бу дегани Ўзбекистонда экспорт салоҳияти янада ошади.

Ҳавога чиқариб юбориладиган технологик газлардан «Аргон», қуритилган ҳолдаги оддий қурумдан «Ацетон» ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдикми, демак яқин орада бутунлай чиқитсиз технология асосида ишлаш механизмига ўтамиз, — дейди бирлашма бош директори Х. Фармонов.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

DUSHANBA 22

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Алпомиш». Мультфильм.
9.10, 10.35 ТВ метео.
9.15 «Санъат олами».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 «Олмазор». Бадиий фильм.
11.55, 14.35 ТВ анонс.
12.05 «Шохрух клуби».
12.25 «Жондан азиз». Кинокомпозиция.
12.45 «Мусиқа: кеча ва бугун».
13.10 «Олам». Телеальманах.
13.45 ТВ-1 намойиш этади.
14.10 «Яккама якка жанг». Спорт дастури.
14.40 Кундузги сеанс: «Қора ўқ». Бадиий фильм.
16.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.35 «Олтин дала».
17.05 «Кавинтон Кросс». Телесериал. 1-қисм.
18.10 «Трям, салом!» Мультфильм.
18.20 «Ўзбекистон фуқаролари».
18.35 «Сугурта».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент вақти».
21.25 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.45 «Маънавият» дастури.
22.25 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
10.15 Якшанбада кўришгунча.
10.30 Саломат бўлинг. 1-қисм.
10.50 Аждодлар ёди.
11.00 «Давр хафта ичида.
11.40 Жаҳон жуғрофияси.
12.30 «Давр»-news.
12.50 Гофур Шермуҳаммад асари, Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси. «Қудуқ тубидаги фарёд». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.20 Автосалтанат.
14.35 Мультфильм.
14.55 «Зинама-зина» интеллектуал ўйини.
15.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.10 Одобнома.
16.25 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-қисм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» почтаси: «Билағон маслаҳати».
18.05 Мультфильм.
18.30 Спорт ҳафтаномаси.
18.45 Ватан мадҳи.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Спринт.
20.05 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.25 Муқаддас бурч.
20.45, 21.45, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Остона». Бадиий фильм 1-қисм.
21.50 Ватан ҳақида қўшиқ.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Полиция комиссари». Телесериал. 9-қисм.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.20-1.25 Хайрли тун!

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00, 21.40, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.30, 20.00, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Авто-news».
20.15 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 Алишер Навоий ҳақида ривоятлар. «Навоий ва чўпон». 1-қисм.
21.55 «Шифокор маслаҳатлари».
22.20 «Биласизми?»
22.55 Кинонигоҳ. «Эдемга қайтиш». 6-қисм.
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 6.30-8.00
13.30-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Рэй Бредбери театри». Сериал.
16.00 «Вести».
16.25 «Тармоқ». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время»
20.35 «Зарби қаттиқ куч-3». Сериал.
21.45 «Бебилиска пул». Сериал.
22.35 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.55 Кинематограф. «Вельд». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00, 20.15 «Телеҳамкор».
17.30 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми. «Шериклар». Мультфильм.
18.45 «Ишқ ва ақл». Телесериал.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ўзбекистонда ишланган.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ватан мадҳи». Шеърий композиция.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бугуннинг гапи».
21.20 Санъат усталарининг концерти.
21.40 «Буюк аждодларимиз». Мотуридий.
22.10 Тэквандо бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.40 «Ахборот».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Шум болалар».
9.40 Ватан мадҳи.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Телесериал.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 «Остона». Бадиий фильм. 2-қисм.
12.05 Таянч.
12.20 «Пилигрим» кемасининг капитани». Бадиий фильм.
13.45 «Полиция комиссари». Телесериал. 10-қисм.
14.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.15 Ватан манзаралари.
15.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.20 Ҳайрат.
16.40 Эски альбомдан.
16.45 Автопатрул.
17.05 «Сийрат».
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
18.00 «Мульттомоша».
18.15 Бухоронинг зардўз қизлари.
18.35 Саломат бўлинг. 2-қисм.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Чемпион сирлари.
20.45 Буюк аждодларимиз.
20.55, 21.45, 22.35 Эълонлар.
